

Р-99

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кулёзма ҳуқуқида
УДК: 334.75:6П2.15(575.1)

РУЗМЕТОВА ХОЛИДА НУРМЕТОВНА
КОМПАНИЯ БИЗНЕС-ЖАРАЁНЛАРИНИ
АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.14 –Иқтисодиётда ахборотлар тизими ва технологиялари

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун
тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2011



Иш Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг «Иқтисодиётда ахборот тизимлари» кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар: **ЎзР ФА Академиги, иқтисод фанлари доктори, профессор Ғуломов Сайдахрор Саидахмедович**

Расмий оппонентлар: **иқтисод фанлари доктори, профессор Абдуғаффоров Абдухалил Сафарович**
иқтисод фанлари номзоди, доцент Султанова Соия Махмудовна

Етакчи ташкилот: **Тошкент молия институти**

Химоя Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар химояси буйича Д.067.06.01 рақамли ихтисослашган кенгашнинг 2011 йил «22» Октябрь соат «9» даги мажлисида бўлади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2011 йил «19» сентябрь да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,
иқтисод фанлари доктори, профессор


Юркинов Б.Б.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги даврда фан, бошқарув, ишлаб чиқариш, савдо ва шу каби бошқа кўплаб соҳаларни ахборотлаштириш жараёнларисиз тасаввур қилиш қийин. Уларнинг ижобий таъсири давлат тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтлари, ижтимоий ва иқтисодий соҳа ҳамда инсонларнинг турмуш тарзида ўз аксини топмоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) корхоналарга ўз молиявий-иқтисодий салоҳиятларидан янада тўлиқ фойдаланиш имкониятини бериб, барқарор иқтисодий ўсиш ва самарали фаолият юритишига хизмат қилмоқда.

Жамиятимиз ривожланишининг барча соҳаларига замонавий компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация воситаларини кенг жорий этиш, аҳолининг ахборотларга бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш, жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Биз замонавий компьютер ва телекоммуникация тизимлари ҳамда технологияларини янада ривожлантиришга ғоят муҳим эътибор қаратмоқдамиз. 2011 йилда замонавий кенг форматли ва оптик технологияларни жорий этиш асосида телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш, 950 километрдан ортиқ оптик толали алоқа тармоғини фойдаланишга топшириш, вилоятлар марказларига маълумотлар узатишнинг транспорт тармоғини кенгайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда”¹.

Бозор муносабатларида юзага келган иқтисодий вазият, ҳар бир компания даражасида бошқарув механизмлари ва усулларини жиддий қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Бу нафақат бизнес-жараёнларининг ўзгаришларга мослашув имконини беради, балки ахборот тизимларини такомиллаштиришга кетадиган харажатларни ҳам камайтиради. Шу нуқтаи назардан, ҳар бир компаниянинг бизнес-жараёнларини бошқаришни такомиллаштириш учун АКТга эҳтиёж пайдо бўлади. Шу туфайли бозор талабига мос, олиб борилаётган ишлар кетма-кетлигини бошқариш тизими пайдо бўлади. Бу эса, компаниялар бизнес-жараёнларига жорий этиш учун дастурий воситалар ва АКТга бўлган эҳтиёжларни қундан-қунга орттирмоқда. Буларнинг барчаси диссертация мавзусининг долзарблигини белгилаб беради ва тадқиқот йўналишини танлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ахборот-коммуникация технологияларини миллий иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларида қўллаш масалаларига бағишланган илмий тадқиқот ишлари олиб борган кўплаб мамлакатимизнинг таниқли иқтисодчи олимлари ва мутахассислари ҳамда хорижий илмий мактаблар вакилларини келтириш мумкин.

Улар орасида компанияни бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш муаммолари билан

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

шуғулланган олимларни таъкидлаш муҳим. Хусусан, россиялик олимлар Г.А. Титоренко², В.П. Косарев³, А.Н. Романов⁴ шулар жумласидан. Уларнинг ишларида АКТни яратишнинг методологик асослари, тармоқлар ва компанияларда ахборот тизимларини қўллаш усуллари баён этилган. В.В. Дик⁵ тадқиқотлари эса, иктисодий тизимларда бошқарув қарорлари қабул қилишни шакллантиришнинг методологик асосларига ва уларни ахборот билан қўллаб-қувватлашнинг инструментал усулларига бағишланган.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон олимлари ҳам АКТни ишлаб чиқиш ва уларни миллий иктисодиёт тармоқлари ва соҳаларига кенг жорий этиш масалаларига катта аҳамият қаратмоқда. Чунончи, А.Н. Арипов⁶ ўзининг тадқиқот ишларида АКТ бозорининг ривожланишига тизимли равишда ёндашиб, макродаражада бошқарув концепциясини асослаган. В.К. Қобулов⁷, Т.Ф. Бекмуродов⁸, С.С. Ғуломовлар⁹ ахборот оқимларини шакллантириш, турли иктисодий объектларга математик ва алгоритмли ёндашув асосида ахборот тизими ва технологияларини ишлаб чиқишдаги янги ёндашувларни тақлиф қилишган. Б.Ю. Ходиев¹⁰, Р.Х. Алимовлар¹¹ ўз илмий ишларида иктисодий тизимларда эконометрик таҳлил ва менежментга алоҳида эътибор қаратган. О.Т. Кенжабоев¹² эса, ахборотлаштирилган тизимни тадбиркорлик фаолиятида қўллаш йўллари тақлиф этган, Б.А. Бегаловнинг¹³ илмий ишларида эса, ахборотлашган жамиятнинг юзага келиши ва уларнинг ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш концепцияси илгари сурилган,

² Титоренко Г.А. Информационные технологии управления: Учебное пособие для вузов. Под ред. проф. Г.А. Титоренко. - 2-е изд., доп. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2007. – 439 с.

³ Косарев В.П., Левит Б.Ю., Шуремов Е.Л., Анненков А.П., Лёвочкина Г.А., Мамонтова Е.А. и др. Информационные системы в экономике. – М.: Финансы и статистика, 2004. – 160 с.

⁴ Романов А.Н., Одинцов Б.Е. Информационные системы в экономике (лекции, упражнения задачи): Учебное пособие. – М.: Вузовский учебник, 2006. – 300 с.

⁵ Дик В.В. Методология формирования решений в экономических системах и инструментальные среды их поддержки. – М.: Финансы и статистика, 2000. – 300 с.

⁶ Арипов А.Н. Ахборот коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммолари. Иктисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Тошкент, 2004.

⁷ Кобулов В.К. Алгоритмизация в социально-экономических системах. -Тошкент: Фан, 1989.

⁸ Бекмуродов Т.Ф. Исследования по компьютерной технике и информатике в Узбекистане: история и перспективы. Сб. научных трудов НПО "Кибернетика" АН РУз. | - Ташкент, 2004 – с. 78-84.

⁹ Ғуломов С.С. и др. Тенденции формирования информационной экономики. "Иктисодиётни барқарор ижтимоий-иктисодий ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар ва вазифалар" мавзусидаги университет профессор-Уқитувчилари ва ёш олимларининг илмий-амалий анжумани тезислар тўплами 4-5 май, 2007.7-11б

¹⁰ Ходиев Б.Ю., Мусалиев А.А., Бегалов Б.А. Менеджмент информационных систем. –Т.: Фан, 2007.

¹¹ Ахборот тизимлари ва технологиялари: Олий ўқув юрглари талабалари учун дарслик. Муаллифлар жамоаси: С.С.Ғуломовнинг умумий тахрири остида. – Т.: Шарк, 2000

¹² Кенжабоев А.Т. Тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари. Иктисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2005 – 32 б.

¹³ Бегалов Б.А. Ахборот-коммуникациялар бозорининг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш. Иктисод фанлари доктори илмий даражаси даъвогарлигига диссертация иши. Тошкент, 2001.– 330 б.

И.Е. Жуковская¹⁴ туризм соҳасида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш механизмларини таклиф қилган, Т.П. Жиёмуратов¹⁵ илмий ишида корхона машина-трактор паркни бошқариш жараёнларини ахборот таъминотини ташкил этишни такомиллаштириш тамойилларини асослаган, Е.А. Мохова¹⁶ эса корхонада электрон ҳужжат алмасуви тизимини жорий этиш орқали бошқарув жараёнлари самарадорлигини ошириш йўллари таклиф қилган.

Ушбу соҳада маълум даражадаги илмий ва амалий натижалар қўлга киритилганига қарамай, таъкидлаш жоизки, бугунги кунда компанияларнинг бизнес-жараёнларида АКТдан самарали фойдаланиш масалалари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш устида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар етарли эмас. Ушбу ўта муҳим вазифанинг асосий тамойилларини ишлаб чиқишда ягона ёндашувнинг йўқлиги компанияларнинг бизнес-жараёнларида АКТдан фойдаланишнинг самарали механизмлари шаклланишига имкон бермаяпти. Юзага келган ҳолат ахборотлашган жамиятни барпо этиш шароитида мулкчиликнинг турли шаклларида фаолият юритаётган компанияларнинг бизнес-жараёнларида АКТдан фойдаланишнинг самарадорлигини оширадиган ёндашувлар, усуллар ва технологияларни ишлаб чиқиш муҳим эканлигини кўрсатади. Ушбу ҳолатлар муаммонинг долзарблиги ва мазкур диссертация ишининг мавзуси, мақсади ва ҳал этилиши зарур бўлган вазифалар доирасини белгилаб берди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур илмий иш Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг “Республика иқтисодий ўсишининг манба ва омилларининг эконометрик таҳлили” мавзусидаги илмий тадқиқотлар дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва уларни истеъмолчиларга етказиб беришчи компаниялар бизнес-жараёнларининг ахборот тизимларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқишнинг услубий асослари, механизмлари ҳамда технологияларини такомиллаштириш тадқиқотнинг мақсади ҳисобланади.

Ушбу белгиланган мақсадга мувофиқ **тадқиқотнинг вазифалари** куйидагилардан иборат:

- бозор иқтисодиёти ва глобаллашув шароитида компания бизнес-жараёнларини бошқаришнинг илмий-услубий жиҳатларини умумлаштириш;
- компанияни бошқариш тизимида жараёнли ёндашувни жорий этишнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилиш;

¹⁴ Жуковская И.Е. Исследование процессов эффективного использования информационно-коммуникационных технологий в туризме. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2010. – 22 б.

¹⁵ Жиёмуратов Т.П. Корхона машина-трактор паркни бошқариш жараёнларини ахборот таъминотини ташкил этишни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2010. – 24 б.

¹⁶ Мохова Е.А. Повышение эффективности управленческих процессов посредством внедрения систем электронного документооборота. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2011. – 25 б.

- ахборот-коммуникация технологиялари асосида бизнес-жараёнларини такомиллаштиришдаги муаммоларни аниқлаш;

- ахборот-коммуникация технологиялари асосида компаниянинг бизнес-жараёнларини оптималлаштириш усулларини таклиф қилиш;

- компания бизнес-жараёнларининг ахборот тизимларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқишда IDEF0 методологиясини қўллашнинг оптимал йўлларини таклиф этиш;

- ахборот-коммуникация технологиялари орқали компаниянинг бизнес-жараёнларини такомиллаштиришда жараёнли ёндашувни қўллаш;

- компания бизнес-жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш;

- бизнес-жараёнларини амалга оширишда ахборот-коммуникация технологияларининг самарадорлик мезонларини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Турли маҳсулот ва товарларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан шуғулланаётган компаниялар жумладан, “Ўзвиносоаноат-холдинг” холдинг компанияси ва унинг тасарруфидаги “Шароб-савдо” ҳудудий корхоналари тадқиқот объекти ҳисобланади. Компания бизнес-жараёнларини бошқариш тизими, бизнес-жараённи ахборот таъминоти орқали қўллаб-қувватлаш ва унинг бажарилиши натижалари устидан тизимли мониторинг олиб бориш жараёнлари ушбу тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Илмий изланиш жараёнларида тизимли ва иктисодий-статистик таҳлил, гуруҳлаш, такқослаш, график ва эконометрик таҳлил ҳамда моделлаштириш, интернет тармоғи ва компьютер амалий дастурлар пакетидан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг гипотезаси. Ўзбекистонда иктисодий ислохотлар жараёнида кўп тармоқли ишлаб чиқариш ҳамда ҳудудий бошқарув тузилмаларига эга бўлган йирик акциядорлик корхоналари, холдинг компаниялари шаклланди ва улар бугун иктисодиёт тармоқлари ривожланишида юқори мавқега эга бўлиб бормоқда. Улар босқичма-босқич бошқарув тизимига жаҳон амалиётида кенг тарқалган менежмент усуллари, шу жумладан бизнесни бошқаришнинг жараёнли ёндашувини жорий этмоқда. Ушбу ёндашувни бизнесни бошқаришга жорий этиш АҚТни қўллашни талаб этади. Бу компания бизнес-жараёнларини ташкилий-бошқарув талабларини инобатга олиб, бошқарувнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини яратишнинг самарали усулларидан фойдаланишни, нисбатан кам харажатлар билан лойиҳани жорий этишни таъминлайди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- компания бизнес-жараёнларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида такомиллаштириш йўллари;

- компания бизнес-жараёнларининг автоматлаштирилган ахборот тизимларини IDEF0 методологияси асосида лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқаришга услубий ёндашув;

- истеъмолчиларга товарларни ўз вақтида ва оптимал равишда етказиб бериш жараёнларини замонавий АКТ асосида автоматлаштиришнинг услубий жиҳатлари;

- компания бизнес-жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самардорлигини баҳолаш усуллари.

Илмий янгиллиги. Компаниялар бизнес-жараёнлари бошқарувини ахборот ресурслари билан таъминлаш ҳамда чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш имконини берувчи ахборот тизимларини лойihalаштириш ва ишлаб чиқишнинг замонавий усуллари тадқиқ этиш диссертация ишининг илмий янгиллиги ҳисобланади ва улар қуйидаги илмий натижаларда ўз ифодасини топган:

- бозор иқтисодиёти шароитида компаниялар бизнес-жараёнларини шакллантириш, ривожлантириш ва уларни такомиллаштириш йўналишлари асосланган;

- кўп турдаги маҳсулотлар ва товарлар ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчиларга етказиб берувчи компанияни бошқариш тизимига жараёнли ёндашувни қўллашнинг услубий асослари тадқиқ этилган;

- компания бизнес-жараёнларини ахборот тизимлари асосида оптималлаштиришда IDEFO методологиясини қўллаш йўллари ишлаб чиқилган;

- бизнес-жараёнларини жорий этишда АКТнинг самардорлигини баҳолаш мезонлари ва усули тақлиф этилган;

- бизнес-жараёнларини амалга оширишда ахборот-коммуникация технологияларининг самардорлик кўрсаткичлари баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда келтирилган компаниянинг бизнес-жараёнларини амалга оширишда АКТдан самарали фойдаланишнинг назарий, услубий ва амалий натижалари ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришда АКТни жорий этиш усуллари ва ёндашувларини такомиллаштиришга асос бўлиб хизмат қилади. Диссертация ишида асосланган бизнес-жараёнларга АКТни жорий этиш механизми, тамойиллари, ёндашув ва технологиялари турли мулкчилик шаклидаги компаниялар бизнес-жараёнларини амалга ошириш самардорлигини сезиларли равишда оширади.

Илмий ишнинг назарий ва услубий ишланмалари ҳамда хулосаларидан “Информатика ва ахборот технологиялари”, “Иқтисодиётда ахборот тизими ва технологиялари”, “Ахборот тизимлари менежменти” фанларини ўқитишда, АКТни жорий этиш бўйича мутахассисларни қайта тайёрлашда, шунингдек бошқарув жараёнларини автоматлаштирилган тизимини яратиш муаммолари бўйича илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин.

Натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар “Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компанияси тасарруфидаги “Шароб-савдо” ҳудудий корхоналарининг (2011 йил 27.01 2-сонли далолатнома, 2011 йил 14.02 1-сонли далолатнома, 2011 йил 25.03 4-сонли далолатнома) бизнес-жараёнларини ташкил қилишда татбиқ этиш учун қабул қилинган. Диссертация натижалари ва хулосалари Тошкент

давлат иктисодиёт университети (2011 йил 25 апрелдаги 02-25 сонли далолатнома) ўқув жараёнига татбиқ этилган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий натижалари, хулоса ва таклифлари “Иктисодий мерос ва жаҳон тажрибаси” (ТДИУ, 2001), “Иктисодий таълим: назария, тажриба, муаммолар ва истикбол” (ТДИУ, 2001), “Ўзбекистонда дехкон ва фермер хўжалиklarининг мева-сабзавот махсулотларини экспорт қилиш: эришилган натижалар ва ривожланиш истикболлари” (ТДИУ, 2002), “Ўзбекистонда божхона ишининг долзарб муаммолари: назария ва амалиёт” (ТДИУ, 2010), “Двадцать четвёртые Международные Плехановские чтения” (Г.Плеханов номли РИА, 2011), “Иктисодиётни модернизациялаш стратегияси: муаммолар ва инновацион ривожланишга ўтиш йўллари” (ТДИУ, 2011), “Иктисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: муаммолар, ривожланиш истикболлари” (ТДИУ, 2011), “Ўзбекистон Республикасида иктисодий таҳлил ва аудитни ривожлантириш муаммолари” (ТДИУ, 2011), “Иктисодиётда барқарор ўсиш суръатлари ва макроиктисодий мутаносибликни таъминлашнинг асосий йўналишлари” (ТДИУ, 2011), “Жаҳон молиявий-иктисодий инкнрози шароитида Ўзбекистон тараққиёти ва халқ фаровонлигини ошириш истикболлари” (ТДИУ, 2011) мавзуларида ўтказилган халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама этилган ва маъқулланган. Шунингдек, диссертация иши Тошкент давлат иктисодиёт университети «Иктисодиётда ахборот тизимлари» кафедрасининг мажлисида ва университет кошисидаги Д.067.06.01 рақамли кенгашнинг 08.00.14—«Иктисодиётда ахборотлар тизими ва технологиялари» ихтисослиги бўйича илмий семинарида муҳокама қилинган ва химояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича муал-лиф томонидан 1 та монография, 5 та илмий мақола ва 11 та маъруза тезислари chop этилган, улардан 5 таси ОАК тасдиқлаган журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми жами 185 бетдан иборат ва у 16 та жадвал, 47 та расми ўз ичига олади.

Диссертациянинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланган, унинг мақсади, вазифалари ва тадқиқот методологияси, илмий янгиликлари ва олинган натижаларнинг амалий аҳамияти изоҳланган.

Диссертациянинг биринчи боби “Компания бизнес-жараёнларини ташкил қилишнинг назарий асослари” деб аталиб, унда бозор иктисодиёти шароитида компания бизнес-жараёнларининг шаклланиш асослари, компанияни бошқаришда жараёнли ёндашувни қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган, бизнес-жараёнларини АКТ асосида такомиллаштириш муаммолари аниқланган.

Диссертациянинг иккинчи боби “Компания бизнес-жараёнларига АКТни жорий этишнинг услубий жиҳатлари” деб номланади. Унда компания бизнес-жараёнини АКТ асосида оптималлаштириш усуллари ишлаб чиқилган.

компания бизнес-жараёнларининг автоматлаштирилган ахборот тизимларини IDEF0 методологияси асосида лойihalаштириш йўллари таклиф қилинган, компания бизнес-жараёнларини замонавий АКТ негизида автоматлаштиришнинг услубий ёндашувлари таклиф қилинган.

Диссертациянинг учинчи боби “Компания бизнес-жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини самарали жорий этиш механизмлари” деб аталиб, унда муаллиф томонидан бизнес-жараёнларини узлуксиз равишда яхшилаб боришга йўналтирилган стратегик бошқарув стандартлари тахлил қилинган, компания бизнес-жараёнларида АКТдан самарали фойдаланишни баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган, АКТни бизнес-жараёнларини амалга оширишдаги самарадорлик мезонлари таклиф этилган.

Хулоса қисмида муаллифнинг амалга оширилган тадқиқотлар натижаларидан келиб чиққан асосий хулоса ва таклифлари баён қилинган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Хозирги молиявий-иктисодий инкироз компаниялардан ўз фаолиятини оптималлаштириш, жумладан, мажбурий бўлмаган харажатларни қисқартириш ҳисобига бизнес-жараёнларини такомиллаштиришни талаб этмоқда. Бизнес-жараёни ҳақидаги билимларни шунчаки оддий коғозга тушириш қутилган натижани бермайди. Мухими, бизнес-жараёнларини моделлаштириш, ҳужжатлаштириш, тахлил қилиш ва мумкин қадар уларнинг шаффофлигини таъминлайдиган автоматлаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланишдир.

Тахлилларимиз қўплаб компанияларда бошқарувга функционал-мослашув ёндашуви қўлланилишини кўрсатмоқда, бунда компанияга бўлинмаларнинг мажмуи сифатида қаралади. Ушбу бўлинмаларнинг ҳар бири жорий ҳолатда маълум вазифалар тўпламини бажаради. Истеъмолчиларнинг махсулотга талаби ортиб бориши билан раҳбарият томонидан компаниянинг ҳар қандаги ҳолатини тезкор назорат қилиш заруриятини келтириб чиқаради ва ушбу жараён чўзилиб кетса, уни қисқартиришга уриниши самарасиз бўлади.

Компанияларнинг бошқарувга жараёнли-мослашув ёндашувидан фойдаланиш бизнес-жараёнларини такомиллаштириб боришни доимий вазифа қилиб қўяди. Бунинг сабаблари кўп. Биринчидан, компаниянинг бозор иқтисодиёти шароитида бизнес-жараёнларини такомиллаштириб бориш даражаси рақобат курашида муҳим воситалардан бири ҳисобланади. Иккинчидан, истеъмолчи-ларнинг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини фақатгина корxonанинг бизнес-жараёнларини уларга мослаштириш билан сифатли кондириш мумкин. Шулардан келиб чиқиб, тадқиқотларимиз объекти сифатида “Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компанияси, унинг таркибига кирувчи вино-арок ишлаб чиқарувчи корxonалар, “Ўзспирт-саноат” акциядорлик компанияси ва ушбу тузилма таркибидаги бошқа корxonалар бошқарув тизимини ўрганиш, улар бизнес-жараёнларини ташкил этишининг ўзига хос хусусиятлари ва вазифаларини асослаш имконини беради. Унга қўра корxonалар бизнес-жараёнларини ўзаро боғлиқ тўрт поғонага ажратиш мумкин:

- асосий бизнес-жараён – мижоз учун муҳим аҳамиятга эга ва компаниянинг даромадини таъминлайди, яъни компания даромадини ҳосил қиладиган товарларни ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишга мослашган;
- бизнес-жараённи таъминловчи – асосий бизнес-жараёнларини амалга оширишни таъминлашга мўлжалланган, умумий кўринишда улар компаниянинг барча бизнес-жараёнларини ресурслар билан таъминлайди;
- бизнес-жараённи бошқариш – ҳар бир бизнес-жараён даражасида ва умуман бизнес-тизимини бошқариш, яъни компанияни бошқариш функцияларининг мажмуини ўзида жамлаган бўлади;
- бизнес-жараён ривожланиши – компанияни ривожлантириш, буларга одатда, ишлаб чиқарилаётган товар ёки хизмат, технология, ускуналар ҳамда инновация жараёнларини мукамаллаштириш жараёни киради.

Жараёнли ёндашувни жорий этиш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, уни бошлаган кўплаб компаниялар бизнес-жараёнларини рўйхатга олиш ва автоматлаштириш босқичида тўхтаб қолмоқда. Лекин жараёнли ёндашувни тўлалигича жорий этиш учун бизнес-жараёни устидан бошқарув даврини ташкил этиш зарур (1-расм). Бу даврда:

- жараён таркиблаган, рўйхатга олинган ва регламентлаган бўлиши лозим;
- жараёнларни ахборотлар тизимларида амалга ошириш зарур;



Манба: Муаллиф тадқиқотлари натижалари асосида тузилган

1-расм. “Шароб-савдо” худудий корхонасида бизнес-жараёнларини бошқаришнинг даврий босқичлари

- жараёнларни таҳлил ва назорат қилиш. Жараённи аниқ бажарилишини назорат қилиш, самарадорлик кўрсаткичлари ва режа бажарилишини ўзаро боғлиқлигини аниқлаш лозим;

- жараёнлар доимий такомиллашиб боришни талаб этади.

АКТ-стратегия “Ўзвиносоаноат-холдинг” холдинг компаниясида корпоратив ахборот тизимларини жорий этишда босқичма-босқичлик ҳамда унинг тамойилларини аниқлаб беради. Алоҳида бизнес-жараёнларини ахборотлаштириш жиҳатларини янада батафсилроқ тавсифлаш учун ахборотлаштириш стратегияси ишлаб чиқилади.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, ахборотлаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш “Ўзвиносоаноат-холдинг” холдинг компаниясида АКТдан фойдаланиш қуйидагиларга имконият беради:

- компанияни самарали бошқаришни таъминлайди;
- компания маҳсулотларининг рақобатбардошлилигини оширади;
- операцион харажатларни камайтиради;
- хатарларнинг таъсирини пасайтиради.

Жараёнли ёндашув биринчи навбатда, компаниянинг ташкилий таркибига эмас, балки охир-оқибатда ташқи ёки ички истеъмолчилар учун қийматга эга маҳсулот ёки хизматни яратаётган бизнес-жараёнларига йўналтирилган. Жараёнли ёндашув фаолиятни қайта ташкил этиш зарурлигига олиб келади, яъни ресурсларни тежовчи ташкилий таркибига ўтилади.

Фикримизча “Ўзвиносоаноат-холдинг” холдинг компаниясининг бошқарув масалаларини ҳал этиш, унинг самарали ишлаши учун автоматлаштирилган АКТни ташкил этиш лозим, улар қуйидаги масалаларни ҳал этишга кўмаклашади:

1. Ахборотларни компаниядаги ҳужжатлар алмашувининг ягона тизимига бирлаштиради. Бу компанияга режалаштириш, молиялаштириш ва юридик хизматларни ўзаро боғлиқ тизимини яратиш имконини беради.

2. Бошқарув, молиявий ва тезкор ҳисобга олиш, режалаштириш ҳамда ҳўжалик фаолиятининг ўзига хослигига тегишли харажатларни ҳисобга олиш ишлари юритилаётганда ягона таҳлил марказини яратади.

3. АКТда маълумотлар базасининг рухсат этилмаган фойдаланишлардан химояланишни таъминлайди.

4. Асосий дастурий таъминот фойдаланувчидан касбий билими билан боғлиқ бўлмаган, махсус тайёргарликни талаб қилмайди.

5. Компаниянинг АКТ тизими унинг дастурий таъминотини ва ахборот базасини модернизация қилиш ва фаоллаштириш имкониятларини беради.

Компаниялар бизнес-жараёнлари учун замонавий ахборот тизимларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқишда ўхшаш технологиялар катта роль ўйнамоқда. Бу борада интеграллаштирилган ахборот тизими архитектураси – ARIS¹⁷ (Architecture of Integrated Information Systems) асосида ахборот

¹⁷ Маклаков С. В. BPWin и ERWin. CASE-средства разработки информационных систем. М.: Диалог-МИФИ, 2007.

тизимларини лойihalаштириш методологиясини ўрганиш кўрсатадики, бизнес-жараёнларини мажмуавий интеграллашган тавсифлашга эришиш иккита йўл асосида амалга оширилади: вазифалар, ижрочилар, уларни ташкил этиш ва фойдаланиладиган ресурслар.

ARIS методологияси ушбу вазиятда компания фаолиятининг турли жи-хатларини тахлил килиш ва оптималлаштиришни тавсифлаш учун фойда-ланиладиган 100 дан ортик бизнес моделларидан иборат бўлади. ARIS методологиясининг айрим моделлари компаниянинг бизнес-жараёнларига жорий этиш ва тўғрилашда фойдаланиладиган SAP/R3 интеграллашган ахборот тизимида ишлатилади.

“Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компанияси бизнес-жараёнларини автоматлаштириш қўйидаги иктисодий устунликларни таъминлайди:

- топшириқларни бажариш вақтини тежаш;
- меҳнат сарфини камайитириш;
- компанияда қайта ишланаётган ахборотларида хатоликларни йўқотиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш;
- миждозлар билан ўзаро алоқаларни мустахкамлаш;
- молиявий ҳисобот ва тахлилни тезлаштириш;
- жамоавий ишлаш даражасини ошириш.

“Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компанияси ишини янада самарали бошқариш учун ундаги ишларнинг қандай бораётганлиги ва вазиятнинг ўзгаришларга тайёр туриш ҳолати ҳақида етарлича ахборотларга эга бўлиш лозим. Бунинг учун компания раҳбари ва бошқа масъул шахслар ҳар доим тезкор ва ишончли ахборотларга эга бўлиши керак. “Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компанияси фаолиятини бошқаришни шундай ташкил этиш керакки, натижада аниқ ва уйғун ҳаракатни йўлга қўйиш мақсадида хизматчилар ўртасида тез ва ишончли алоқа таъминланиши талаб этилади.

Тадқиқотларимиз кўрсатмоқдаки, компаниялар бошқариш амалиётида дастурий таъминот ишлаб чиқарувчилари томонидан таклиф этилаётган турлича тизимлардан кенг фойдаланмоқда. Диссертацияда улардан энг қўп узраётганларининг функционал имкониятлари тадқиқ килинган.

Компаниянинг ресурсларини режалаштириш тизими ERP¹⁸ (Enterprise Resource Planning) молия-ҳўжалик фаолиятини бошқариш учун умумий фойдаланиш интерфејси ва ягона илова, ўзи билан унификациялашган маълумотлар базасини ифода этувчи интеграллашган бошқарув тизимидан иборат. CRM¹⁹ (Customer Relationship Management) тизими эса миждозлар билан ўзаро алоқаларни бошқаришни амалга ошириб, компаниянинг ташқи муносабатларини бошқаради. CRM тизими савдо самарадорлигини ошириш имконларини берадиган бошқарув усуллари ва замонавий маркетингнинг қўллаб ютуқларини ўзида ифода этади.

Ахборотларни сақлаш тизими BI²⁰ (Business Intelligence) ERP ва CRM тизимларидан фарқли ўларок, тахлилий маълумотлар базаси ҳам деб аталади.

¹⁸ Ralph M. Stair. Principles of information system. A Managerial Approach. Fourth Edition. 2008.

¹⁹ Ўша жойда

²⁰ Ўша жойда

Ві тизими амалдаги ҳамкорлардан олинган маълумотлар билан биргаликда ҳам ички, ҳам ташқи ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконини таъминлайди. Автоматлаштириш жараёнларида кўп захиралар мавжудлигига қарамай, кўпчилик компаниялар ушбу тизимларнинг бир қисмидангина фойдаланади, чунки улар ахборот тизимларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқишга нотўғри ёндашадилар.

Тадқиқотларимиз кўрсатмоқдаки, ахборот тизимининг оптимал вариантини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқишда компаниядаги барча бизнес-жараёнларини камраб олиши керак. Техник топшириқни шакллантиришда эса ҳамма бирламчи ҳужжатлар номи ва уларнинг таркибини ҳам эътиборга олиш лозим. Тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиш учун компаниянинг ахборот тизими турли кўринишдаги чиқувчи ҳужжатларни ҳам автоматик равишда тақдим этишга тўғри келади. Масалан, “Шароб-савдо” ҳудудий қорхонаси омбуларида энг кўп сотилган спиртли маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларни компания раҳбариятига тақдим этиш керак бўлади (1-жадвал). Ушбу жаadwalда келтирилган маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тегишли қарорлар қабул қилиш учун камида қорхонанинг 4 та омбулорхонаси бўйича маълумотларни йиғишга тўғри келади. Айни пайтда улар орасидан талаб даражаси юқори бўлган маҳсулотлар танлаб олинади. Ушбу алгоритм ахборот тизимини лойиҳалаштириш босқичида унинг дастурий таъминотида тўғри акс эттирилмаса, олинган натижа нотўғри бўлиши мумкин.

1-жадвал

“Шароб-савдо” ҳудудий қорхонаси омбулорхоналаридан энг кўп сотилган маҳсулотлар ҳақида маълумот (2011 йил март ойи бўйича)

| Маҳсулот коди | Маҳсулот номи (ҳажми) | Маҳсулот сонн, дон | Маҳсулот нархи, сўм | Ҷами маҳсулот нархи, сўм |
|---------------|---------------------------------|--------------------|---------------------|--------------------------|
| 46000000025 | Вино "Крепкое-53" (0,5) | 12064 | 1204 | 14525056 |
| 45000000173 | Арок "Ташкент" (0,25) | 5703 | 1858 | 10596174 |
| 45000000224 | Арок "Ташкент" (0,5) | 3828 | 2915 | 11158620 |
| 45000000192 | Арок "Пшеничная" (0,5) | 3675 | 2394 | 8797950 |
| 45000000162 | Арок "Хлебная" (1,0) | 3405 | 5750 | 19578750 |
| 45000000223 | Арок "Хлебная" (0,5) | 2794 | 2985 | 8340090 |
| 45000000193 | Арок "Тошкент оқшоми" (0,5) | 2698 | 2400 | 6475200 |
| 45000000212 | Арок "Ташкент Маҳсус" (0,5) | 2643 | 2423 | 6403989 |
| 45000000168 | Арок "Ташкент Сильвер" (1,0) | 2402 | 5750 | 13811500 |
| 48000000057 | Шампан виноси "Нимширин" (0,75) | 1075 | 3372 | 3624900 |


Манба: “Шароб-савдо” ҳудудий қорхонаси маълумотлари асосида тузилган.

Амалиётда жараёнлар ўзаро боғлиқлиги, кўпинча бизнес-жараёнларининг ўзаро ҳаракат қизмаси ёки тармоғи деб юритилади. Жараён тармоғининг

анъанавий DFD чизмасидан фарқи шундаки, тармоқда компания бизнес-жараёнлари ўзаро ҳаракат қиладиган ташки субъектларни, яъни мижозлар, етказиб берувчилар, банклар ва ҳоказоларни кўрсатиш керак. Қуйидаги 2-расмда “Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компанияси негизда воситачилик билан шуғулланувчилар учун бизнес-жараёнларини амалга ошириш тармоғи келтирилган. Унга кўра, компания бизнес-жараёнлари мураккаб бўлиб, етказиб берувчилар билан мижозлар ўртасида камида бешта жараён амалга оширилиши керак. Ушбу жараёнларни яратилаётган ахборот тизимларида тўлиқ ақс эттириш ҳозирги кунда долзарблигича колмоқда, чунки инфологик ва даталогик моделларнинг оптимал шаклланмаслиги АКТдан самарали фойдаланиш жиҳатларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Олиб борган тадқиқотларимиз, АКТдан компаниялар бизнес-жараёнларида самарали фойдаланишга қуйидагилар жиддий салбий таъсир қиладиганлигини кўрсатмоқда:

- “Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компанияси раҳбариятининг ахборот тизимларини жорий этиш лойиҳасига етарлича эътибор бермаслиги;
- компанияни ривожлантириш режасида ахборотлаштириш стратегиясининг йўқлиги;
- автоматлаштирилган ахборот тизимини лойиҳалаштиришнинг аниқ мақсади йўқлиги, самарасиз режалаштирилиши ва бюджетлаштирилиши ҳамда лойиҳани амалга оширишнинг бошқарилиши, шунингдек лойиҳаларни бошқариш технологияларидан етарлича фойдаланилмаслиги;




Манба: Муаллиф тадқиқотлари натижасида тузилган.

2-расм. Бизнес-жараёни тармоқлари тузилмаси ва уларнинг ўзаро ахборот боғлиқлиги

- “Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компаниясининг шаклланмаган бизнес-жараёнлари ва ишлаб чиқилган бизнес-моделларининг йўқлиги;
- компания ходимларининг малакаси етарли эмаслиги, ходимларнинг янги АКТдан фойдалана билмаслиги ва уларнинг ўзгаришларга тайёр эмаслиги.

“Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компания таркибига кирувчи ва спиртли маҳсулотларни ишлаб чиқувчи ҳамда етказиб берувчи корхоналар республикамиз ҳудудлари бўйича тарқок жойлашгани боис бошқарув тизимини бизнес-жараёни талабига мос натижалар асосида оптималлаштириш зарур ҳисобланади (3-расм). Қўрииб турибдики, корхона истеъмолчига спиртли маҳсулотларни етказиб бериши учун беш босқичдан иборат бизнес-жараёнини босиб ўтади. Ушбу бизнес-жараёнларни оптималлаштиришда вақт асосий омиллардан ҳисобланади. Агар лойиҳалаштирилаётган ахборот тизимларида ушбу омил эътиборга олинмаса, бу компания амборхоналарида маҳсулотлар тўпланиб қолишига олиб келади. Маҳсулотлар истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб турилмаса, унга бўлган талаб ҳам тобора пасайиб бораверади.




Манба: Муаллиф тадқиқотлари натижасида тузилган.

3-расм. Бошқарув жараёнларини бизнесни юритиш талабларига мос оптималлаштириш шартлари

Қўпгина компаниялар мутахассислари бизнес-жараёнлари моделини куриш учун IDEF0 стандарти ва уни қўллаб-қувватлайдиган дастурий воситалардан фойдаланишади. Ушбу моделлардан раҳбарларга тақдим этиладиган таҳлилий

маълумотлар тайёрлаш, бизнес-жараёнларини меъёрий-услубий хужжатлаштиришда фойдаланиш, ахборот тизимлари ва АКТни жорий этишга тайёргарлик кўришда ишлатилади. IDEF0 стандартининг нисбатан оддийлигига қарамай, кўп компаниялар мутахассислари инфологик модель куриш ва кейинчалик ундан фойдаланишда жиддий кийинчиликларга дуч келади. Кўпинча моделлар компаниянинг мураккаб, чалқаш ва амалий фаолиятига мос келмайди. Бундай моделлардан компания раҳбарлари нафақат самарали фойдаланиш, балки амалда қутилган самара олиш учун компания бошқарувини қандай йўналишда такомиллаштириш кераклигини ҳам айтиб бера олмайди.

Бунга сабаб, IDEF0 стандартида “Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компанияси бизнес-жараёнларини тавсифлаш, таҳлил қилиш ва хужжатлаштириш каби амалий вазифалари учун қўллашда аниқ ва изчил услубий ёндашувнинг йўқлигидир. Ушбу тадқиқот доирасида IDEF0 стандарти ёрдамида модель куриш учун иккита услубий ёндашувни кўриб чиқдик. Биринчи ҳолатда инфологик модель курилиши компания ташкилий таркиби асосида амалга оширилади (4-расм). Иккинчи ҳолатда - занжир асосида, “Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компанияси истеъмолчилари учун маҳсулот (хизмат) таклиф этадиган баҳони яратишдир.



Манба: Муаллиф тадқиқотлари натижасида тузилган.

4-расм. Компаниянинг ташкилий тузилмаси асосида IDEF0 тизимида ишлаб чиқилган инфологик модель

Шулардан келиб чикиб, “Ўзвинвосаноат-холдинг” холдинг компаниясининг интеграллаштирилган ахборот тизимини куриш куйидаги боскичлардан иборат:

- компаниянинг АКТ ривожлантириш стратегиясини ишлаб чикиш;
- ишлаб чикилган стратегияни ҳисобга олиб бизнес-жараёнлари ва ташкилий тузилмани тавсифлаш ва оптималлаштириш;
- оптималлаштирилган бизнес-жараёнлар ва ташкилий тузилма чизмаси асосида ахборот тизимларига техник талабни ишлаб чикиш;
- бозорда мавжуд ахборот тизимларининг турли вариантларини кўриб чикиш ва уларни ишлаб чикилган техник талабларга мувофиқ таҳлил қилиш;
- бозорда мавжуд ҳамда ўз ахборот тизимини ишлаб чикиш вариантдан ахборот тизимлари вариантини танлаш;
- техник талаблар, оптималлаштирилган бизнес-жараёнлари ва ташкилий таркибий тузилма асосида ахборот тизимларини ишлаб чикиш;
- ахборот тизимларининг тажриба синовини ўтказиш.

Компанияда ахборот тизимларининг муваффақиятсиз жорий этилиши сабабларини таҳлил қилиш, шу кўринишдаги лойиҳани самарали амалга ошириш учун зарур қонда бўлган муваффақиятни таъминловчи омилларни аниқлаш имконини берди. Улар юқорида кўриб чиқилган сабаблар билан мос келади ва муваффақиятнинг куйидаги олти омилига боғлиқ:

- компания раҳбариятининг ахборот тизимларини жорий этиш лойиҳасида фаол иштирок этиши;
- компаниянинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чикиш ва кенг амалга ошириш;
- лойиҳани амалга оширишнинг аниқ мақсадини шакллантириш, самарали режалаштириш ва бюджетлаштириш, ҳамда лойиҳани бошқариш технологиясини қўллаш;
- компания бизнес-жараёнларини моделлаштиришнинг дастурий маҳсулот ва технологиялари асосида тавсифлаш ва оптималлаштириш;
- ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш;
- компанияни ахборот оқимидаги ўзгаришларга тайёрлаш, ўзгаришларни амалга оширишда пайдо бўладиган қаршиликларни бартараф этиш ва компания шаффофлигини ошириш.

Ахборот тизимларини компания бизнес-жараёнлари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштириш, ишлаб чикиш ва жорий этиш бўйича таклиф қилинаётган усуллар, ёндашув ва технологиялар иқтисодий самара бермас экан, уларни кенг жорий этиш мумкин эмас. Ушбу муаммони ҳал қилиш борасида илмий ишда куйидаги функционал боғлиқликларни таклиф қилдик:

$$Э_{БЖ} = Э_{БЖ}(TP_{БЖ}) = Э_{БЖ}(TP_X, TP_M, TP_T, TP_{XX}, TP_{XH}, TP_C), \quad (1)$$

бу ерда: $Э_{БЖ}$ - АКТ асосидаги бизнес-жараёнларининг самарадорлиги; $TP_{БЖ}$ - АКТга мослаштирилган бизнес-жараёнлари талаблари мажмуи; TP_X - ходимга талаблар; TP_M - маълумотларга талаблар; TP_T - технологияларга талаблар; TP_{XX} - хавф-хатарни ҳисобга олишга талаблар; TP_{XH} - ахборот хавфсизлиги талаблар; TP_C - стратегик ўсиш бўйича маслаҳатлар.

“Ўзвиносаноат-холдинг” компанияси бизнес-жараёнларини самарали амалга ошириш олдинга қўйилган талабларни ҳисобга олиш даражасига ҳамда харажатларга бевосита боғлиқ, яъни:

$$TP_{БЖ} = TP_{БЖ}(З_{БЖ}) = З_{БЖ}(З_X, З_M, З_T, З_{ХХ}, З_{ХН}, З_C), \quad (2)$$

бу ерда: $З_{БЖ}$ - бизнес-жараёнларни амалга оширишдаги харажатлар мажмуи; $З_X$ - ходимлар учун харажатлар; $З_M$ - маълумотлар базасини шакллантириш учун харажатлар; $З_T$ - технологиялар учун харажатлар; $З_{ХХ}$ - хавф-хатарни ҳисобга олиш ва уни камайтириш ишлари учун харажатлар; $З_{ХН}$ - жисмоний ва мантикий хавфсизлик учун харажатлар; $З_C$ - стратегик харажатлар.

Компания бизнес-жараёнларини оптималлаштиришнинг ахборот тизимларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва жорий этишни икки усул, яъни анъанавий ва автоматлаштирилган (IDEF0 методологияси) муҳотида бажариш мумкин. Бунда харажатларни (Z) минималлаштириш, уни амалга оширишнинг асосий омилларидан ҳисобланади, яъни:

$$Z = \sum_{i=1}^N P_i * S * x_i \rightarrow \min, \quad (3)$$

$$x_i = \{0; 1\},$$

бу ерда: Z – ахборот тизимларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича харажатлар, $P_i - i$ - усулда ахборот тизимларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг меҳнат сарфи, киши/кун, S – ахборот тизимини лойиҳалаштирувчининг йиллик иш ҳажми, млн. сўм/ой, x_i - мантикий ўзгарувчи (0 ёки 1), ахборот тизимини лойиҳалаштиришга амалий дастурлар пакетидан фойдаланиш.

Агар ахборот тизимини лойиҳалаштириш IDEF0 методологияси асосида амалга оширилса, харажатлар (Z) энг кичик қийматга эга бўлиши талаб этилади, яъни:

$$Z = (\sum_{i=1}^N P_i * S + C_i) * x_i \rightarrow \min, \quad (4)$$

бу ерда: C_i - ахборот тизимини лойиҳалаштираётган IDEF0 дастурининг нархи, млн. сўм ҳисобида.

Тадқиқотларимиз кўрсатмоқдаки, ахборот тизимларини лойиҳалаштиришда бир нечта амалий дастурлар пакетидан фойдаланиладиган бўлса, у ҳолда меҳнат сарфи даражасини (TZ) минималлаштириш керак. Яъни:

$$TZ = \sum_{i=1}^N P_i * x_i \rightarrow \min, \quad (5)$$

$$\sum_{i=1}^N r_i * x_i \leq R \quad (6)$$

$$x_j + x_Q = I, \quad x_i = \{0; 1\} \quad (7)$$

бу ерда: r_i - ажратилган ресурслар; x_j - анъанавий усулда ахборот тизимларини лойиҳалаштириш; x_Q – IDEF0 методологияси асосида ахборот тизимларини лойиҳалаштириш.

Ахборот тизимларини жорий этишга кадар корхона бизнес-жараёнларини анъанавий усулда ҳал этиш харажатлари (Z_r) қуйидагича аниқланади:

$$Z_r = T_r * I * t_r * n * R, \quad (8)$$

бу ерда: T_r – корхона бизнес-жараёнларини бир мартаба ҳал этишдаги меҳнат сарфи, киши/кун; I - йил мобайнида масалани ечиш даврийлиги; t_r - ушбу жараёнда банд бўлган лойиҳачининг ўртача соат ставкаси, минг сўмда; n - лойиҳачиларга муқофотлар беришни ҳисобга олувчи коэффициент; R – лойиҳачининг иш ҳақидан тиббий сугурталаш, нафақа жамғармаси ва бошқа жамғармаларга ажратмалар коэффициенти.

Ахборот тизимини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан боғлиқ харажатлар (Z_l) қуйидагича аниқланади:

$$Z_l = T_l * k * F_m * t_r * R, \quad (9)$$

бу ерда: T_l - ахборот тизимини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш муддати, кун; k - ахборот тизимини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва жорий этишда банд бўлган лойиҳачилар сони, киши; F_m - ушбу жараёнда банд бўлган лойиҳачилар ойлик иш вақтининг фонди, соатда; t_r - ушбу жараёнда банд бўлган лойиҳачининг ўртача соат ставкаси, минг сўмда; R – лойиҳачининг иш ҳақидан тиббий сугурталаш, нафақа жамғармаси ва бошқа жамғармаларга ажратмалар коэффициенти.

Диссертацияда ушбу таклиф этилган мезонлардан фойдаланиб икки погонали бизнес-жараёнига эга бўлган “Шароб-савдо” ҳудудий корхонасида АКТ тизимини яратишга сарфланган меҳнат харажатлари (2-жадвалда) баҳоланган.

Ушбу 2-жадвал маълумотларига кўра, ахборот тизимларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш асосан 16 босқичдан иборат бўлиб, меҳнат сарфи анъанавий усулга нисбатан, IDEF0 методологияси усулида 36% кам талаб этилади. Ахборот тизимларини яратиш ва самарали жорий этишнинг энг мураккаб «Ахборот тизимининг таркибий тузилишини лойиҳалаштириш» ва «Ахборот тизимининг инфолик моделини ишлаб чиқиш» босқичлари учун меҳнат сарфи 75% га кам бўлиши мумкин. Бундан ташқари ахборот тизимини яратишнинг барча жараёнлари IDEF0 методологиясида бирор-бир хатосиз амалга оширилади, яъни инфолик модель қанча тўғри шакланса, натижа ҳам худди шунча мос ҳолатда олинади.

«Шароб-савдо» хуудий корхонасида бизнес-жараёнларининг ахборот тизимини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва жорий этишга меҳнат сарфини баҳолаш

| Операция коди | Операциянинг номи | Меҳнат сарфи (кунда) | |
|---------------|---|----------------------|---------------|
| | | Анъанавий усулда | IDEF0 усулида |
| K00001 | Бошқарув объекти бизнес-жараёнларини такомиллаштириш йўллари аниқлаш: - техник-иктисодий асослаш - ахборот тизимининг лойиҳасини яратиш - ахборот тизимининг (АТ) лойиҳасини яратишнинг техник топшириги | 30 12 6 | 15 3 2 |
| K00002 | АТни лойиҳалаштириш ҳужжатларини шакллантириш | 22 | 12 |
| K00003 | Ахборот тизимининг математик таъминотини ишлаб чиқиш | 15 | 6 |
| K00004 | Ахборот тизимининг дастурий таъминотини лойиҳалаштириш | 20 | 3 |
| K00005 | Ахборот тизимининг ахборот таъминотини лойиҳалаштириш | 24 | 6 |
| K00006 | Ахборот тизимининг техник таъминотини лойиҳалаштириш | 6 | 3 |
| K00007 | АТнинг технологик таъминотини лойиҳалаштириш | 6 | 2 |
| K00008 | Дастурий таъминотдан фойдаланиш ҳужжатларини шакллантириш | 12 | 12 |
| K00009 | Техник воситалардан фойдаланиш ҳужжатларини шакллантириш | 12 | 12 |
| K000010 | Ахборот тизимининг таркибий тузилишини лойиҳалаштириш | 24 | 6 |
| K000011 | Ахборот тизимидан фойдаланувчи ходимларни ўқитиш | 12 | 12 |
| K000012 | Ахборот тизимининг инфологик моделини ишлаб чиқиш | 24 | 6 |
| K000013 | Ахборот тизимини ишлаб чиқиш | 60 | 60 |
| K000014 | Ахборот тизимининг маълумотлар базасини шакллантириш | 12 | 12 |
| K000015 | Ахборот тизимидан тажрибали фойдаланиш | 6 | 6 |
| K000016 | Ахборот тизимидан амалиётда фойдаланиш учун топшириш | 6 | 6 |
| ЖАМИ | | 287 | 184 |

* Ушбу жараёнларни амалга оширишда иккита лойиҳачи ва битта дастурчи иштирок этади.

Манба: Муаллиф ҳисоб-китоблари натижалари асосида тузилган.

Корхона фаолияти учун ахборот тизимини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича харажатлар таркиби қуйидаги 3-жадвалда келтирилган. Ҳозирги кунда юқори технологияларга қилинадиган харажатларнинг қайтиш муддати 3 йил белгилангани учун, биз ҳам ҳисоб-китобларда шу муддатни асос қилиб олдик.

Корхона ахборот тизимини лойihalаштириш, ишлаб чиқиш ва фойдаланиш бўйича харажатлар ва самарадорлик кўрсаткичлари

(минг сўм)

| Ахборот тизимининг фаолият даври | 1 йил | | 2 йил | | 3 йил | |
|--|-----------|-------|-----------|-------|-----------|-------|
| | Анъанавий | IDEF0 | Анъанавий | IDEF0 | Анъанавий | IDEF0 |
| Ахборот тизимининг инфологик моделини яратиш | 1128 | 486 | - | - | - | - |
| Ахборот тизимини яратиш нархи | 4860 | 2040 | - | - | - | - |
| Ахборот тизимининг фаолияти учун сотиб олинadиган техник воситалар (50 та иш Урни) | | | | | | |
| а) шахсий компьютер | 75000 | 75000 | - | - | - | - |
| б) сервер | 18000 | 18000 | - | - | - | - |
| в) принтерлар | 5700 | 5700 | - | - | - | - |
| г) сканерлар | 1890 | 1890 | - | - | - | - |
| д) алоқа симллари | 6900 | 6900 | - | - | - | - |
| Тармоқда ахборот тизимининг фаолият билан боғлиқ харажатлар | 2570 | 1050 | 2570 | 1050 | 2570 | 1050 |
| Ахборот тизимини корхона фаолиятига жорий этиш харажатлари | 3260 | 1458 | - | - | - | - |
| Ахборот тизимидан фойдаланиш харажатлари | 3268 | 1949 | 3268 | 1949 | 3268 | 1949 |
| Самарадорлик | - | 25104 | - | 25104 | - | 25104 |

Манба: Муаллиф ҳисоб-китоблари натижалари асосида тузилган.

Ахборот тизимининг инфологик моделини яратиш ва ишлаб чиқиш бўйича харажатлар анъанавий ёндашувда 5988 минг сўмни ташкил қилаётган бўлса, IDEF0 методологияси бўйича эса 2526 минг сўмга тенг бўлмоқда, яъни IDEF0 методологияси бўйича харажатлар икки баробардан камдир. Техник воситалар ва тармоқ тизимини жорий этиш бўйича иккита ёндашувда ҳам бир хил миқдорда молиявий харажатларни талаб қилади. “Шароб-савдо” худудий корхонаси фаолиятида ахборот тизимидан кенг фойдаланиш натижасида йилига 25104 минг сўм миқдорида иктисодий самарадорликка эришиш мумкин.

ХУЛОСА

1. Олиб борган тадқиқотларимиз компаниялар бизнес-жараёнлари таркибий жиҳатдан асосий бизнес-жараёнлар, уларни ресурс билан таъминлаш ва бошқарув тизимларини камраб олишини кўрсатди. Бизнес-жараёнларини АКТ асосида такомиллаштиришда бир қатор усул ва ёндашувлар мавжуд. Шуларни ҳисобга олиб, диссертацияда жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган интеграллашган ахборот тизимларининг функционал имкониятлари таҳлил қилинган ва улардан бизнес-жараёнларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини яратишда фойдаланиш мумкинлиги кўрсатиб берилган.

2. Таҳлилларга кўра, жараёнли бошқарувни жорий этиш учун нафақат компания бизнес-жараёнларини такомиллаштириш ва автоматлаштириш, балки уларни назорат ва таҳлил қилиш воситаларини ҳам яратишни талаб қилади. Бизнес-жараёнларини бошқариш ахборот тизимларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқишни компаниянинг стратегик бошқарув даражаси билан боғланмаса, қутилган иктисодий самарага эришиш қийин ҳисобланади.

3. АКТ стратегияси компанияда корпоратив ахборот тизимларини жорий этишда босқичма-босқичлик, узлуксизлик ва узвийлик тамойилларини таъминлаб беради. Замонавий инновацион технологиялар асосида компания бизнес-жараёнларини такомиллаштириш бошқарув самарадорлигини оширади, товар ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини юксалтиради ва бизнес операцион харажатларини камайтиради.

4. Тадқиқотларимиз, бошқаларга нисбатан тезроқ ахборотлар йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва улар асосида АКТдан фойдаланиб оптимал бошқарув тизимини қўллаш имкониятига эга компаниялар бизнес ва тадбиркорликда илғорлик қилишини кўрсатмоқда. Бирок замонавий технологиялар бошқарувини танлашда компаниялар шуни ҳисобга олиши керакки, қай даражада такомиллашган бўлмасин, улар бизнес-жараён даражасида етарли даражада аниқ тартибга солинган бошқарув технологияларисиз ишлай олмайди.

5. Тадқиқотларимиз мобайнида ARIS методологиясининг бизнес моделлари сони 100дан ортик бўлганлиги сабабли, уларни тўрт гуруҳга бўлдик, яъни ташкилий тузилмалар, вазифа, ахборотлар ва жараёнлар. ARIS концепцияси базасида қурилган бизнес-жараёнлари инфологик моделини сифатни бошқариш, жараёнларни ташкил қилиш, қийматни операциялар бўйича ҳисоблаб чиқиш каби бизнесни юритишнинг анъанавий соҳаларида ҳам қўллаш мумкин.

6. Тажрибаларимиз компания бизнес-жараёнларини автоматлаштириш топшириқларни бажариш вақти ва меҳнат сарфини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, мижозлар билан ўзаро алоқалар самарадорлигини ва жамоавий ишлаш даражасини ошириш имконини беришни кўрсатди. Шу билан бирга компания АКТ бошқарувини ишлаб чиқишда даставвал, объектни бошқариш, бошқарув вазифалари ва таркиби ҳамда ахборотларнинг оқимини батафсил текшириб, таҳлил қилишни талаб қилмоқда.

7. АКТ асосида бизнес-жараёнларини шаффофлаштириш компания бошқарув архитектурасини таркиблаштиришдан бошланиб, улар учта ўзаро боғлиқ даражалар: стратегик даража, бизнес архитектураси ва тизимли архитектурани камраб олади. Инфратузилма бизнес архитектуралари билан белгиланади ва уни лойихалаштириш факатгина компания стратегиясига боғлиқ бизнес архитектураси асосида амалга оширилади.

8. Тадқиқотларга кўра, кўплаб компаниялар автоматлаштириш масалалари билан шуғулланаётган махсус компаниялар томонидан етказиб берилаётган тайёр бошқарув ахборот тизимларидан, бошқалари эса, ўз кучлари билан ишлаб чиққан бошқарув тизимларидан фойдаланади. Иккала ҳолатда ҳам ўз фаолиятини бизнес-жараёнлари ва объектнинг баъзи жиҳатларининг муҳимлиги даражаси, параметрлари ва мезонларини белгилаб беришни ҳал этиш мумкин бўлган ахборотлашган объекти фаолиятининг ўзига ҳослигини ҳисобга олиб, архитектура тизимини асослаш марказий вазифа бўлиб қолаверади.

9. IDEF0 стандарти моделлари асосида раҳбарга тақдим этиладиган таҳлиллар тайёрлаш, бизнес-жараёнларини ҳужжатлаштириш, ахборот тизимлари ва АКТни жорий этишга тайёргарлик кўришда фойдаланилади. IDEF0 стандартининг нисбатан оддийлигига қарамай, кўп компаниялар мутахассислари инфологик модель куриш ва кейинчалик фойдаланишда жиддий қийинчиликларга дуч келади. Бунга сабаб, IDEF0 стандартини компания бизнес-жараёнларини тавсифлаш, таҳлил қилиш ва ҳужжатлаштириш каби амалий вазифалар учун қўллашда аниқ ва изчил услубий ёндашувнинг йўқлиги ҳисобланади.

10. Тадқиқотлар бизнес-жараёнларининг ҳал қилувчи кўрсаткичларини яхшилаш бўйича операцион мақсадларга эришиш замонавий АКТнинг икки жиҳати асосида амалга оширилишини кўрсатмоқда. Биринчи жиҳат шундан иборатки, ахборот тизимлари бизнес-жараёнларининг эскирган қоидаларини автоматлаштиради, натижада улар вақти, харажати ва хатолари сони қисқариб, сифати ва унумдорлиги ошади. Иккинчи жиҳат, оптималлашмаган бизнес-жараёнлар келтириб чиқарган салбий сабабларни сезиларли равишда йўқотишга имкон берадиган автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш билан боғлиқ.

11. Интеграллаштирилган ахборот тизимини жорий этишга мувофиқ равишда таъкидлаш лозимки, бундай чора-тадбирларнинг бири лойихадан тез фойда олиш ҳисобланади. Шу боис ҳам ахборот тизимини жорий этишда босқичма-босқич автоматлаштириш ёндашувини қўллаш маслаҳат берилади, фаолиятнинг маълум участкаси тўлиқ автоматлаштирилгач ва ижобий натижага эришгандан кейин келгусида компаниянинг бошқа участкаларида ахборот тизимларини жорий этиш жараёнлари ҳам энгиллашади. Бошқарувнинг факат таянч вазифаларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш воситалари орқалигина тўлиқ автоматлаштиришга эришиш мумкин эмас.

12. Диссертацияда IDEF0 стандарти методологияси асосида бизнес-жараёнларни АКТ тармоғини яратишнинг самарадорлиги меҳнат сарфи ҳамда жорий харажатлар ҳажми асосида баҳолаш усули ишлаб чиқилган ва уни “Шароб-савдо” худудий корхонасида АКТни яратиш самарадорлигини

бахолашда синаб кўрилган. Ҳисоб-китоблар кўрсатишича IDEFO стандартларидан фойдаланиб компаниялар бизнес-жараёнларини автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, меҳнат сарфларини анъанавий усулга нисбатан 30-40 фоизга, молиявий харажатларни эса қариб 2 мартага тежашга имконият беради.

ЧОП ЭТИЛГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Рузметова Х.Н., Жуковская И.Е. К вопросу о роли информационных систем в экономическом образовании. // “Иктисодий таълим: назария, тажриба, муаммолар ва истикбол” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман. – Тошкент, 2001. – С. 45-47

2. Рузметова Х.Н., Жуковская И.Е. Экспорт плодоовощной продукции в Узбекистане: достигнутые результаты и перспективы развития. //“Ўзбекистонда деҳқон ва фермер хўжалиқларининг мева-сабзаёт маҳсулотларини экспорт қилиш: эришилган натижалар ва ривожланиш истикболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманинг тезислар тўплами. - Тошкент, 2002. – Б.143-145

3. Рузметова Х.Н. Основы формирования информационного менеджмента компании. // “Ўзбекистонда божхона ишининг долзарб муаммолари: назария ва амалиёт” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманининг тезислар тўплами. - Тошкент, 2010. – Б.167-170

4. Рузметова Х.Н. Основы формирования бизнес-процессов компаний в условиях рыночной экономики. // Иктисодиёт ва таълим. - Ташкент, 2010. - №5. - С.57-61

5. Рузметова Х.Н. Оптимизация бизнес-процессов компании на основе информационно-коммуникационных технологий. //Журнал налогоплательщика. - Ташкент, 2010. - № 1. - С.32-38.

6. Рузметова Х.Н. Бизнес-жараёнларини АКТ орқали яхшилаш. //Корхона бошқариш. - Ташкент, 2010.- № 10. – Б.34-41

7. Рузметова Х.Н. Совершенствование бизнес-процессов компании на основе информационно-коммуникационных технологий. //Под ред. С.С.Гулямова, ТГЭУ. – Т.: Фан, 2011. – С.160

8. Рузметова Х.Н. Компания бизнес-жараёнларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида такомиллаштириш. // Иктисод ва молия. – Тошкент, 2011. -№7,8. – Б. 66-73

9. Рузметова Х.Н. Стандарты стратегического управления как основа непрерывного улучшения бизнес-процессов. //Двадцать четвёртые Международные Плехановские чтения: Тезисы докладов. - Выездная сессия в г. Ташкенте. - М.: ГОУ ВПО «РЭА им. Плеханова», 2011.- С.72-74.

10. Рузметова Х.Н. К вопросу о роли процессного подхода в управлении организацией. //“Иктисодиётни модернизациялаш стратегияси: муаммолар ва инновацион ривожланишга ўтиш йўллари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. - Тошкент, 2011. – Б. 296-267

11. Рузметова Х.Н. Роль информационно-коммуникационных технологий в организации бизнес-процессов предприятий. //“Иктисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: муаммолар, ривожланиш истикболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. - Тошкент, 2011.- Б. 240-241

12. Рузметова Х.Н. Интегрированная информационная система – залог успешного функционирования предприятия. //“Ўзбекистон Республикасида иктисодий таҳлил ва аудитни ривожлантириш муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани тезислари тўплами. - Тошкент, 2011.- Б. 139-140

13. Рузметова Х.Н. Бизнес-процессы – основа эффективного управления предприятием. // “Иктисодиётда барқарор ўсиш суръатлари ва макроиктисодий мутаносибликни таъминлашнинг асосий йўналишлари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. - Тошкент, 2011.- Б. 61-62

14. Рузметова Х.Н. Применение средств и методов автоматизации в бизнес-процессах управления предприятием. // “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида Ўзбекистон таракқиёти ва халқ фаровонлигини ошириш истикболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани тезислари тўплами. - Тошкент, 2011. – Б. 344-346

15. Рузметова Х.Н. К вопросу роли информационно-коммуникационных технологий в управлении бизнес-процессами торговых предприятий. //“Хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ечимлар” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани тезислари тўплами. - Тошкент, 2011. – Б. 120-122

16. Рузметова Х.Н. Особенности применения процессного подхода в банковской деятельности. //“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани тезислари тўплами. - Тошкент, 2011. – Б.160-162

17. Рузметова Х.Н. Методические подходы по автоматизации бизнес-процессов компании современными технологиями. // Иктисодиёт ва таълим. - Ташкент, 2011. - №3. - С.28-30

Иктисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Рузметова Холида Нурметовнанинг 08.00.14 – «Иктисодиётда ахборотлар тизими ва технологиялари» ихтисослиги бўйича “Компания бизнес-жараёнларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида такомиллаштириш” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕ СИ

Таянч сўзлар: АКТ, бизнес-жараёни, молиявий-иктисодий кўрсаткичлар, бошқарув, самарадорлик, технология, математик усуллар, корпоратив тизим, ахборот тизимлари, технологиялар.

Тадқиқот объектлари: “Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компанияси ва унинг тасарруфидаги “Шароб-савдо” ҳудудий корхоналари.

Ишнинг мақсади: Турли махсулотлар ишлаб чиқарувчи ва уларни истеъмолчиларга етказиб берувчи компаниялар бизнес-жараёнларининг ахборот тизимларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқишнинг услубий асослари, механизм ҳамда технологияларини такомиллаштириш.

Тадқиқот методлари: Тизимли ва иктисодий–статистик таҳлил, гуруҳлаш, моделлаштириш, интернет тармоғи ва компьютер программа пакетлари билан ишлаш усуллари.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Бозор иктисодиёти шароитида компаниялар бизнес-жараёнларини шакллантириш, ривожлантириш ва уларни такомиллаштириш жиҳатлари таҳлил этилган; бизнес-жараёнларини такомиллаштириш йўллари ва унинг асосида компанияни бошқариш тизимига жараёнли ёндашувни қўллашнинг ўзига хос томонлари тадқиқ этилган; компания бизнес-жараёнларини ахборот тизимлари асосида оптималлаштиришда IDEF0 методологиясини қўллаш йўллари таклиф этилган; бизнес-жараёнларни жорий этишда АКТнинг самарадорлик мезонларини баҳолаш усуллари таклиф этилган; бизнес-жараёнларини амалга оширишда АКТнинг самарадорлиги баҳоланган.

Амалий аҳамияти: Диссертация ишида таклиф этилган ААТни яратиш ва татбиқ этиш механизмлари, тамойиллари, ёндашувлари ва технологиялари корхонада замонавий АКТдан фойдаланиш жараёнлари самарадорлигини оширади. Илмий ишнинг назарий ва услубий ишланмалари ҳамда хулосаларидан “Информатика ва АТ”, “Иктисодиётда ахборот тизими ва технологиялари” фанларини ўқитиш, АКТни жорий этиш бўйича мутахассислар қайта тайёрлаш, шунингдек, бошқарув жараёнларини автоматлаштирилган тизимини яратиш муаммолари бўйича илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иктисодий самарадорлиги: Олинган илмий натижалар “Ўзвиносаноат-холдинг” компанияси тасарруфидаги “Шароб-савдо” ҳудудий корхоналари фаолиятига жорий этилган. “Шароб-савдо” ҳудудий корхонаси фаолиятида ахборот тизимидан кенг фойдаланиш натижасида йилига 25104 минг сўм миқдориди иктисодий самарадорликка эришиш мумкин.

Қўлланиш соҳаси: Корхоналарда бизнес-жараёнларни бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимларини яратиш ва жорий этишда қўллаш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Рузметовой Холиды Нурметовны на тему: «**Совершенствование бизнес-процессов компании на основе информационно-коммуникационных технологий**» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.14 – «Информационные системы и технологии в экономике»

Ключевые слова: ИКТ, бизнес-процесс, финансово-экономические показатели, управление, эффективность, технология, математические методы, корпоративная система, информационные системы, технологии.

Объекты исследования: Холдинговая компания «Узвинопром-холдинг» и региональные предприятия «Шароб-савдо» при нем.

Цель работы: совершенствование методических основ, механизмов и технологий проектирования, разработка информационных систем, бизнес-процессов компаний, производящих разнообразную продукцию и поставляющих её потребителю.

Методы исследования: в работе использованы методы системного и экономико-статистического анализа, группировки, моделирования, методы работы с интернет сетью и компьютерными программными пакетами.

Полученные результаты и их новизна: осуществлен анализ формирования, развития бизнес-процессов компании и аспектов их совершенствования; исследованы пути совершенствования бизнес-процессов и особенности применения процессного подхода к системе управления компанией на их основе; предложены пути применения методологии IDEF0 в оптимизации бизнес-процессов компании на основе ИКТ; предложены методы оценки критериев эффективности предприятий при внедрении бизнес-процессов; дана оценка эффективности информационно-коммуникационных технологий при осуществлении бизнес-процессов.

Практическая значимость: предложенные в диссертационной работе механизмы, принципы, подходы и технологии создания и внедрения автоматизированных информационных систем существенно повышают эффективность процессов использования современных ИКТ на предприятиях. Теоретические и методические разработки и выводы научной работы могут быть использованы в переподготовке специалистов по внедрению ИКТ, в обучении курса «Информатика и информационные технологии», «Информационные системы и технологии в экономике», а также в научно-исследовательских работах по проблемам создания автоматизированной системы процессов управления.

Степень внедрения и экономическая эффективность: полученные научные результаты внедрены в деятельности региональных предприятий «Шароб-савдо» при холдинговой компании «Узвинопром-холдинг». В результате широкого использования информационных систем в деятельности региональных предприятий «Шароб-савдо» можно достичь экономической эффективности в размере 25104 тысяч. сумм. в год.

Область применения: можно применить в создании и внедрении автоматизированных информационных систем управления в бизнес-процессы на предприятиях.

RESUME

Thesis of N. Ruzmetova Kh.'s on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in economic on specialty 08.00.14 - «Information systems and technologies in economy» on the subject: **“Company business-processes improvement based on information – communication technologies”**

Key words: ICT, business – process, financial-economic rates, management, efficiency, technology, mathematical methods, corporative system, information system, technologies efficiency.

Subjects of research: Holding Company “Uzvinosanoat–holding” and regional enterprise “Sharob-savdo”.

Purpose of work: aim of the research is improvement of technologies and mechanism, methodical bases of production and projecting of information systems of business-processes of consumer delivery and manufacturing companies.

Methods of research: systemic and economic-statistic analysis, grouping, modeling, methods of working with internet and network.

The results obtained and their novelty: there was analyses the perfection and improvement, formation of business-process of companies in condition of market economy; on the its bases there was researched peculiar sides of using the process approaches to management system of company; there was offered ways of using the IDEF0 methodology in optimization on the bases of information systems of companies business-processes; there was offered estimation methods of ICT efficiency measures in giving effect the business-processes; there was estimated the efficiency of information-communication technologies in execution of business-processes.

Practical value: using of mechanisms, principles, approaches and technologies of creating of ICT proposed in the thesis paper, increase the processes efficiency of using from modern ICT at the enterprises. The theoretical and methodical statements and conclusions may be used in teaching of subjects “Informatics and information technologies”, “Information system and technologies in economy” and in retraining the specialists in sphere of using the ICT, as well as in scientific researching works on creating problems of automated system of management processes.

Degree of embed and economic effectivity: achieved scientific results are used in activity of regional enterprises “Sharob-savdo” under the Holding Company “Uzvinosanoat–holding”. In result of using from information system in activity of the regional enterprise “Sharob-savdo” may achieved the economic effectivity in amount of 25104 thousand UZS in a year.

Field of application: in creating and using of automated information systems of business-processes management at the enterprises.

| | |
|-----------------------|---------------|
| Қоғоз бичими | 1,2 б.т. |
| Босишга рухсат этилди | 14.09.2011 й. |
| Тиражи | 100 нусха |
| Буюртма № | 467 |

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
«ТАЛАБА» янги ахборот технологиялари марказининг
«RISO» нусха қўчириш техникасида чоп этилди

Тошкент, Ўзбекистон
шоҳкўчаси, 49-уй